

КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ТҮГРИСИДА ТУШУНЧА ВА УНИНГ УНИВЕРСАЛ ТАБИАТИ

Нурсултон Замон ўғли Шайхисламов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
n.shayxislamov@cspi.uz

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола тилшуносликнинг замонавий йўналишларидан бири ҳисобланган когнитив тилшунослик, ундаги асосий тушунча – концептнинг тадқиқ қилинишига бағишиланган. Бундан ташқари, ўзбек ва инглиз тилларида “Тўй” концептининг универсал табиати ўрганилган.

Калит сўзлар: антропоцентрик парадигма, инъикос, когнитив фаолият, когнитив тилшунослик, концепт.

CONCEPT AND UNIVERSAL NATURE OF COGNITIVE LINGUISTICS

Nursulton Zamon ugli Shaykhislamov

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region
n.shayxislamov@cspi.uz

ABSTRACT

This article is devoted to the study of cognitive linguistics, one of the modern branches of linguistics, the basic concept of which is the concept. In addition, the universal nature of the concept of "Wedding" is studied in Uzbek and English

Keywords: anthropocentric paradigm, reflection, cognitive activity, cognitive linguistics, concept.

КИРИШ

XXI асрнинг дастлабки йилларидан ўзбек тилшунослигида антропоцентрик парадигма асосида бажарилган тадқиқотлар юзага кела бошлади. Бу ишлар, асосан, социолингвистика, когнитив тилшунослик, лингвистик прагматика, психолингвистика ва антропоцентрик парадигманинг умумназарий масалалари йўналишларида амалга оширилди. Профессор Ш. С. Сафаров антропоцентрик парадигманинг юзага келишини қўйидагича изоҳлайди: “Систем – структур парадигма ўзидан олдин юзага келган қиёсий-тарихий парадигманинг “атомистик”, яъни тил ҳодисаларини алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажратган ҳолда таҳлил қилиниши натижасида юзага келган

нуқсонларини бартараф қилиш йўлини тутди. Систем – структур йўналишнинг асосий самараси тилнинг тизимли ҳодиса эканлигини исботлашдан иборатdir. Аммо бу икки парадигманинг умумий камчилиги борлиги ҳам маълум бўлди: бу йўналишларда тил ўз эгаси – инсондан ажралиб қолди. Ушбу нуқсонни йўқотиш йўлидаги уринишлар прагматик ва когнитив тилшунослик парадигмаларининг яратилишига сабаб бўлди”.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Айни вақтда, тилга антропоцентрик ёндашув ушбу соҳаларнинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этиб, мустақил парадигма сифатидаги мақомини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Кўплаб тадқиқотчиларнинг эътироф этишича, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология антропоцентрик парадигманинг етакчи йўналишлари ҳисобланади. Ушбу ўринда, биз когнитив тилшунослик ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида ўзининг ilk қадамларини қўйган когнитив тилшунослик XXI аср бошидаёқ лингвистиканинг пешқадам соҳаларидан бирига айланиб улгурди. Замонавий когнитив тилшуносликнинг вужудга келиши америкалик олимлар Ж. Лакофф, Р. Лангакер, Р. Жакендофф ва бошқаларнинг илмий ишлари билан боғланади. Юртимизда эса бу йўналиш намояндалари сифатида Ш. С. Сафаров, Д. У. Ашуррова, А. Э. Маматов, Ф. М. Хошимов кабиларни айтиб ўтишимиз мумкин. Когнитив тилшунослик (инглизча cognize – билмоқ, англамоқ, тушунмоқ) фалсафадаги билиш назарияси билан чекланмай, балки тилни тафаккур билан боғлаб, унинг ҳосил бўлишидаги психологик, биологик ва нейрофизиологик жиҳатларнинг ижтимоий, маданий, лисоний ҳодисалар билан узвий алоқасини чуқур илмий тадқиқ этади.

Болдирев Н. Н. когнитив тилшунослик когнитив фаолият тушунчаси билан узвий боғлиқ деб таъкидлайди. Когнитив фаолият инсоннинг бирор нарса ёки воқеликни идрок этишини амалга оширувчи тафаккур жараёнидир. Когнитив фаолият бевосита тил билан боғлиқ ҳолда кечади, зеро, тил воситасида тажриба ва билим алмашинилади, ахборот узатилади, билиш жараёни, унинг натижаларининг айнан шу жиҳати билимнинг лисоний тизимини, яъни уни тартиблаштириш, хотирада сақлашнинг лисоний воситаларини ўрганувчи тилшунослик фани билан алоқадордир.

Рус тилшунослигига когнитив тилшуносликнинг атоқли вакили Е. С. Кубрякова қуйидагича фикр билдиради: “Когнитология кўпқиррали фан соҳаларидандир. Унинг доирасида шаклланган когнитив тилшунослик, ўз навбатида, мураккаб вазифа ижросини кўзлайди, зотан лисоний ва билим

структуралари ўртасидаги муносабатлар ҳамда доимий муқобилликлар таҳлили, изоҳи режалаштирилади”.

Когнитив тилшунослик тилни умумий когнитив механизм сифатида ўрганувчи соҳадир. Тилшунос Ш. С. Сафаровнинг фикрига кўра, “Когнитив тилшуносликнинг вазифаси тил ёрдамида билим олиш ва саклаш, тилни амалда қўллаш ҳамда узатиш, умуман, тил тизими ва таркибини инсон миясидаги инъикоси сифатида тафаккур билан боғлаб, чуқур илмий тадқиқ этишдир” [1, 91].

Професор А. Маматов тил тизимини когнитив жихатдан таҳлил қилиш борасида фикр юритар экан, шундай деб ёзди: “Когнитив фан когниция (билиш) билан шуғулланса, когнитив тилшунослик когнициянинг, яъни билишнинг тилда акс этишини, вербаллашувини тадқиқ қиласди. Тилга бўлган когнитив ёндашув – бу тил шаклиниң охир-оқибат инсон онги, фикри, билиш структураларининг акс эттирилишидир. Когнитивлик ўз тузилишига кўра инсоннинг билиш фаолиятига таянган барча типдаги билимларнинг тизимлашишини ифодалайди” [2, 213].

Професор F. M. Ҳошимов “Когнитив тилшунослик – инсон томонидан борлиқ дунё воқелигини тил орқали англаниши, ўрганилиши, яъни концептлар воситасида унинг инъикос этилиши, ҳис ва идрок қилиниши каби инсон миясида кечувчи мураккаб концептуал жараёнлар билан боғлиқ муҳим йўналишдир” деб таъкидлайди [3, 68].

Шу ўринда когнитив тилшуносликда кўп учрайдиган концептуализация ва категоризация терминларига тўхталиб ўтишимиз жоиз. Инсон объектив дунёни инъикос қиласида экан, у уни бевосита концептуаллаштириш ва категоризациялаштириш каби универсал жараёнлар орқали ўзлаштиради. Концептуаллаштириш бу объектив борлиқ ҳақидаги билимларни қолиплаштириб идрок этишдир, унинг натижасида инсонда билим структуралари қолиплашиб, концептуал семантикаларга, яъни концептларга айланади. Категориялаштириш эса объектив борлиқ билан боғлиқ мавжуд концептларни турлаштириш ва хиллаштириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўхшатиш (ассоциация) ва фарқлаш (дифференциация) асосида уларни пухта ўзлаштириш ва қатъий бир тизимга солиш демакдир. Бу икки жараён доимо бирин – кетин амалга оширилади, яъни олдин концептуаллаштириш кечади, ундан кейин эса категоризациялаштириш жой олади (акси мумкин эмас). Бундай ҳолатда ушбу жараёнлар икки усулда кечади:

- 1) стихияли (яъни табиий равишда: инсон туғилиб, то тилда гапира олиш ва мулоқот юрита олиш қобилиятига эга бўлгунча);
- 2) онгли равишда (инсон туғилиб, тилда мулоқот олиб бориш қобилиятига эга бўлган пайтдан бошлаб, то умрининг охиригача).

Иккинчи усулда зикр этилган жараёнлар икки муҳим йўналишда кечади:

- 1) вербал (тил) воситалари ёрдамида барча муроқот турлари орқали (ёзма, оғзаки, шунингдек ўқиб, эшишиб, ўзлаштириш орқали ҳам);
- 2) паралингвистик (новербал) воситалар (имо-ишоралар, турқ – таровот ифодалари ва тана аъзолари ҳаракатлари) орқали.

МУҲОКАМА

Шундай қилиб, инсон объектив воқеликни мушоҳада қилар экан, у бўйича барча билимларини, юқорида зикр этилган икки универсал жараёнлар натижаси ўлароқ, турли “концептуал семантикалар” яъни “концептлар” орқали эгаллади, уларни шакллантиради, бойитади ва кундалик муроқотда қўллади [4, 74-75].

Когнитив тилшуносликда энг асосий ўрганиладиган муаммо – бу концептдир. Чунки когнитив тилшунослик – дунёнинг лисоний тасвирида муайян концептнинг моҳияти ва дунё воқеликлари билан боғлиқлигини ўрганувчи фан бўлса, концепт когнитив тилшунослик фанининг асосий категорияларидан бири бўлиб, маданият ва инсон ўртасидаги алоқа ўрнатувчи элементдир. “Концепт” термини ўтган асрнинг 90 – йилларидан бери тилшуносликда кенг қўлланилиб келинмоқда. Шунга қарамасдан, концепт тушунчаси ҳали ҳамон битта умумий изоҳ ёки талқинга эга эмас.

Концептларнинг ўрганилиши бўйича энг атоқли тилшуносларидан бири С. А. Асколдов ҳисобланади. У концептга “бу бир тур ёки бошқа турдаги тушунчалар ҳақида фикрлаш жараёнини ўзида акс эттирадиган бирлиқдир” деб изоҳ берган.

Д. С. Лихачев ўзининг «Концептосфера русского языка» илмий ишида концептни сўзнинг луғат маъноси ва инсоннинг ўз миллий қарашлари билан тўқнашуви натижасида ҳосил бўладиган фикрлаш жараёнининг маҳсули деб таърифлайди.

Е. Комаров ўзининг номзодлик ишида концептнинг мазмун структурасига кўра лексик маънодан катта эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бунинг сабаби сифатида концептнинг ментал ҳодиса эканлиги билан изоҳлайди.

Н. Арутюнова эса концептни ҳам ментал бирлик, ҳам тафаккур элементи сифатида талқин этиб, унинг олам ва одам ўртасидаги маданий унсур эканлигини изоҳлайди.

Е. С Кубрякова концептни “ментал тузилма ва турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар жамланмаси ёки умумлашмаси” эканини таъкидлайди [5, 90]. С. Г. Воркачев эса “Концепт – тилдаги ўз ифодаси ва лингвокультурологик спецификасига эга тушунча, тасаввур ва билимлар тўпламидир” дейди [6, 4]. Н.

Ю. Шведова “Концепт бу – тушунча эканлиги, бу тушунча ортида эса ижтимоий ёки субъектив тарзда англанувчи, инсон ҳаётининг муҳим моддий, ақлий, руҳий томонини акс эттирувчи, ўз тарихий илдизларига эга бўлган, ҳалқнинг умумий тажрибасини акс эттирадиган мазмун туришини” қайд этади.

Ўзбек тилшунослигига ҳам “концепт” тушунчаси турли талқинга эга. Масалан, Ш. С. Сафаров “моддий дунё идроки айни пайтда идрок этилаётган предмет – ҳодисалар ҳақида тушунчанинг туғилишини, кейинчалик ушбу тушунча ментал намуна – концепт сифатида шаклланиб, моддий ном олиши” ни такидлади.

Ў. Қ. Юсупов концептни “ташқи ёки ички дунёдаги бирор бир нарса ёки ҳодиса ҳақидаги онгимиздаги билимлар мажмуаси, у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий, нейтрал муносабатлар, яъни баҳолашлардир” деб белгилайди. Тушунча ва концептни фарқлаш мақсадида олим қўйидагича фикр билдиради: “Концепт билан тушунчани айсбергга ўхшатиш мумкин. Агар концепт айсберг бўлса, унинг сувдан чиқиб турган қисми тушунчадир” [7, 49].

Д. У. Ашуррова эса концептни мантиқий, миллий хусусиятга эга бўлган бир ҳодиса сифатида талқин қилиб, шу концептнинг негизини айнан шу ўрганилаётган предмет ёки ҳодиса ҳақидаги билим ташкил қилса, ифодаланишини эса тил воситалари (лексик, фразеологик, парамеологик ва ҳ.к) нинг мутаносиблиги ташкил қилишини айтади [8, 11].

Атоқли тилшунос, профессор F. M. Ҳошимов концептга қўйидагича таъриф беради: “Концепт, бу – тафаккурда кечувчи бири – бири билан чамбарчас боғлиқ нафақат икки муҳим жараён (концептуализация (концептуаллаштириш) ва категоризация (категориялаштириш) нинг натижаси бўлиб саналади, балки унга қўшимча яна бир қатор муҳим (психологизация, когнитизация, социологизация, (лингво) семантизация, социолектизация, стилизация (диалектизация, вариантизация ва идиолектизация каби) жараёнларнинг пировард натижасидир, ва у яхлит концептуал/когнитив семантика сифатида лингвистик семантиканинг когнитив асосини ташкил этади ҳамда унда тил бирлиги ўзининг семантик сигими билан боғлиқ ҳолда маълум даражада (қисман) акс этади”. Профессор концептни мураккаб идрокий воқелик, яъни тилда вербал (ва керак ҳолларда новербал) воситалар орқали воқелантириувчи ҳодиса сифатида мураккаб ички ташкил этувчилардан иборат деб хисоблайди. Олимнинг фикрича, у ўзига хос ташкил этувчиларни ўз ичига олган шажаравий таркибга эга ва тилда гапирувчилар ўртасида барча сўзловчилар томонидан белги(лар) орқали моддийлаштирилади ҳамда барчага умумий бўлган бир маъно сифатида қабул қилинади. Шундай қилиб маъно вербал белги орқали воқелантирилади, калитлаштирилади, кодлаштирилади, пароллаштирилади, меъёрлаштирилади

Юқоридаги фикрларни ўрганиш натижасида шуни айтишимиз мумкинки, концепт тушунчаси бизнинг онгимизда кечувчи бир неча жараёнларнинг асосий натижасидир ва у когнитив тилшуносликда чуқур ўрганишни тақозо этадиган бирлиkdir.

НАТИЖА

Шу ўринда, “тўй” концептига тўхталиб ўтмоқчимиз. Маълумки, тўй маросими барча миллатларда ўз ўрнига эга бўлган мавзу саналади, шу сабабли, бу мавзу устида бир қатор таҳлиллар олиб борилган. Бу тадқиқотларда диёrimiz миллий – маънавий қадриятлари, урф – одат ва удумларини ифодаловчи этнографик лексика жиддий ўрганилган. Бироқ ўзбек ва инглиз тилларида “тўй” концептини қиёслаб, уларнинг когнитив жиҳатларини алоҳида таҳлил обьекти сифатида тадқиқ қилиш амалга оширилмаган. Бу эса ўз навбатида, ушбу мавзунинг ўрганиш қай даражада муҳим эканлигини кўрсатади.

Ҳар икки тилдаги изоҳли луғатларни ўрганиш мобайнида “тўй” концептининг қуидаги маънолари аниқланди:

Ўзбек тилида:

- Тўй – базм-тomoша ва зиёфат билан нишонланадиган халқ маросимларининг умумий номи (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 824);
- Тўй – зиёфат, ўйин – кулги билан ўтказиладиган маросим (Ўзбек тилининг этимологик луғати, 366);
- Тўй – уйланиш, турмушга чиқиш, хатна қилиш ва бошқа муносабатлар билан зиёфат бериб, базм – томошалар билан ўтказиладиган халқ маросимларининг умумий номи (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 229).

Инглиз тилида:

- Wedding is a marriage ceremony and any celebrations such as a meal or a party that follow it (Cambridge Dictionary);
- Wedding is a) a marriage ceremony usually with its accompanying festivities; b) an act, process, or instance of joining in close association; c) a wedding anniversary or its celebration (Oxford Dictionary);
- Wedding is the occasion of a marriage (Macmillan student's dictionary).

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, тўй – бу муҳим сана билан боғлиқ бўлган, зиёфат ва базм (баъзида базмсиз) ўтказиладиган маросим номидир. Ҳар иккала халқ маданиятида тўй муҳим феномена ҳисобланади, шунинг учун ҳам бу халқларда тўйлар маълум турларга ажратилиб, турли номлар билан юритилади.

Ўзбек тилида тўйларни қуидаги турларга ажратишимииз мумкин:

- 1) Суннат тўйи (хатна тўйи);

- 2) Никоҳ тўйи: ўғил тўйи, қиз тўйи.
- 3) Муҳим сана билан боғлиқ тўйлар: ақиқа тўйи, мучал тўйи, бешик тўйи, фотиҳа тўйи, кумуш тўй, олтин тўй, олмос тўй ва ҳоказо.

Инглиз маданиятида эса қуидагиларни кўришимиз мумкин:

- 1) Никоҳ тўйи: Destination wedding, Double wedding, Elopement, Shotgun wedding, Weekend wedding, White wedding.
- 2) Муҳим сана билан боғлиқ тўйлар (wedding celebrations): ruby wedding, wooden wedding, silver wedding, golden wedding, diamond wedding.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда кўплаб тадқиқотлар мавзусига айланган когнитив тилшунослик антропоцентрик парадигманинг муҳим йўналишларидан бири сифатида вужудга келди. Ушбу йўналиш ўзбек тилшунослигига Ш. С. Сафаров, Д. У. Ашуррова, Ў. Қ. Юсупов, Г. М. Ҳошимов каби атоқли тилшуносларнинг илмий изланишлари натижасида ривожланиб борди. Когнитив тилшуносликдаги асосий тушунча – концепт ҳақида турли олимларнинг фикрларини ўрганган ҳолда концептнинг таърифи бўйича яқдил хулосага келинмагани маълум бўлди. Кўринадики, ўрганилаётган тиллар маданиятида тўй мавзуси муҳим аҳамиятга эга ва тадқиқ этилаётган тилларда ушбу концептнинг ифодаловчилари ўзаро фарқланади.

REFERENCES

1. Сафаров Ш. С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Санзор, 2006. – Б. 91.
2. Маматов А. Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? // Тилшуносликнинг долзарб масалалари: Проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишилаб ўтказилган илмий -амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-219.
3. Ҳошимов Г. М. К теории концептов и их таксономики в когнитивной лингвистике // Систем-структур тилшунослик муаммолари. Филология фанлари доктори, профессор Н.К.Турниёзов таваллудининг 70-йиллигига бағишиланган Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2010.
4. Қорабоев Ж. Б. “Муболаға концептуал семантика”сини воқеалантирувчи вербал ва новербал воситалар тизимиға хос универсал қонуниятлар // Бухоро давлат универсиети илмий ахбороти. Бухоро, 2017. №1. Б. 74-75.
5. Кубрякова Е. С. О когнитивной лингвистике и семантике термина “когнитивный” // Вестник Воронежского государственного университета Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. – Воронеж, 2001. 90-с.

6. Воркачев С. Г. Лингвоконцептология и межкультурная коммуникация: истоки и цели // Филологические науки, 2005. – №4.
7. Юсупов Ў.К- Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурэма атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида: Илмий амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 49.
8. Ашуррова Д. У. Связь вузовских курсов с современными направлениями лингвистики // Филологиянинг долзарб муаммолари: Маъруза тезислари. – Тошкент, 2008. – Б. 11.
9. Kobilova, N., Shayxislamov, N., & Raimova, M. (2021). O 'ZBEK VA INGLIZ PAREMIOLOGIK BIRLIKALARINING QIYOSIY-SEMANTIK TAHLILI. *Scientific progress*, 1(4).
10. Шайхисламов, Н. (2021). ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШИ: КОНТАКТ ЛИНГВИСТИКАСИ. *Scientific progress*, 1(4).
11. Shayxislamov, N. (2021). Tilshunoslik nazariyasi va tushunchasi. *The 21st Century Skills for Professional Activity*, (3), 174-176.
12. Shayxislamov, N. (2021). Lingvomadaniyatshunoslikning shakllanishi va vujudga kelishi. *The 21st Century Skills for Professional Activity*, (2), 274-276.
13. Shayxislamov, N. (2021). LINGVOKULTUROLOGIYANING FAN SIFATIDA SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
14. Shayxislamov, N. (2021). Nutqning sotsiolingvistik - paralingvistik va ekstralingvistik vositalari haqida mulohazalar. *The 21st Century Skills for Professional Activity*, (1), 20-24.
15. Shayxislamov, N. (2021). ONA TILI DARSLARINI O 'QITISHDA ZAMONAVIY METOD-KAKOGRAFIYA USULIDAN FOYDALANISH. *Scientific progress*, 1(3).
16. Shayxislamov, N. (2020). LINGVISTIKA, UNING ZAMONAVIY TURLARI HAMDA ULARNING O 'ZBEK TILSHUNOSLIGIDAGI TALQINI. *Scientific progress*, 1(2).
17. Шайхисламов, Н. (2020). Лингвомәдениеттанудың тарихи мен теориялық негиздері. *O 'zbekistonda ilm-fan va ta 'lim masalalari: muammo va yechimlar*, (2), 219-221.
18. Шайхисламов, Н. (2020). Фразеология. Фразеология как неотемлимая часть языкоznание. *Образование и наука в XXI веке*, 1(6), 394-396.
19. Shayxislamov, N. (2020). Hozirgi zamon tilshunosligida til va madaniyatning talqini. *Scientific progress*, 1(1).
20. Шайхисламов, Н., & Хафизова, С. (2020). Педагогика–тарбия ҳақидаги фан: асосий тушунчалар ҳамда унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. *Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотларда талабаларнинг ўрни*, 182-184.